


# ОЛИМПИАДАЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

***Жаҳондаги муҳташам спорт ареналарида ўзбекистонлик спортчилар ғалабаси шарафига мадҳиямиз янграб, байроғимиз баланд кўтарилганда, қалбимизни ажиб фахр туйғулари қамраб олади.***



Жорий йилнинг 8-24 август кунлари Хитой пойтахти Пекинда ўтказилган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида ҳам спортчиларимиз муваффақиятли иштирок этиб, битта олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронза медалини қўлга киритдилар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 17 йиллик байрамига ажойиб совға ҳозирладилар. Албатта, спорт соҳасида юксак натижаларга эришган юртдошларимиз доимо ҳукуматимиз томонидан рағбатлантирилиб келинади.

30 август куни пойтахтимиздаги "Олимпия шон-шуҳрати" музейида Пекин Олимпиадаси совриндор ва иштирокчиларини тантанали тақдирлаш маросими уюштирилди. Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз томонидан барча соҳалар қатори спортни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бунинг натижасида спортчиларимиз қўлга киритаётган натижалар йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 25 августда қабул қилинган "Пекин шаҳрида ўтказилган 2008 йилги XXIX ёзги Олимпия ўйинлари совриндорлари ва қатнашчиларини мукофотлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига биноан, XXIX ёзги Олимпия ўйинларида муваффақиятли қатнашган спортчиларимиз пул мукофотлари билан тақдирланди.

— Олимпиадага жўнаб кетиш олдидан айнан мана шу мажмуада туриб юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга ваъда бергандик, — дейди дзюдо бўйича кумуш медаль совриндори бўлган Абдулла Тангриев. — Шукрки, бугун Ватанимизга ёруғ юз билан қайтиш насиб этди. Бунинг учун бизга доимо ғамхўрлик кўрсатаётган Президентимизга, мураббийларга, ғалабаларимизни олқишлаб турган халқимизга миннатдорлик билдираман. Фурсатдан фойдаланиб, барчани Мустақиллигимизнинг 17 йиллик байрами билан табриклайман.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов топширди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

▼ Хайрия

**"Экосан" халқаро ташкилотининг Сурхондарё вилоятига йўл олган навбатдаги "Саломатлик поезди" мамлакатимиз Мустақиллигининг 17 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган "Экология ва саломатлик кунлари" тадбирлари доирасида ташкил этилди.**

## «Экосан»нинг байрам туҳфаси

Кийим-кечаклар, пойабзаллар, кўрпа-тўшак ғилофлари ҳамда санитария-гигиена воситаларидан иборат инсонпарварлик моллари вилоятдаги кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари, ногиронлар ва бошқа ижтимоий соҳа объектларига топширилади.

Умуман, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида республикамизнинг турли минтақаларига ташкилотнинг инсонпарварлик юклари ортилган 21 та поезди ва автопоезди жўнатилиб, ижтимоий соҳа объектларига жами 850 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди.

"Экосан" халқаро ташкилоти раҳбари Ю. Шодиметовнинг айтишича, Ёшлар йилида 15 мингта ёш оила ва уларнинг фарзандларига, шунингдек, ўқув ва тиббиёт муассасаларига моддий ҳамда маънавий ёрдам бериш кўзда тутилган.

**С. РАҲМОНОВ.**

▼ Туйғу

## ҲАР ҒАРДИ ТЎТИЁ

*Ватан, бу — ҳар гарди тўтиё дерлар,*
*Ҳар фарзанди унга маҳлиё дерлар.*
*Недан кўнглингиз тўқ,*
*сокинсиз недан,*
*Ўз эмас, эл ғамин ўйлаган эрлар.*
*Кўксида чақмоқдай юраги порлаб,*
*Ўт кечган эл дебон*
*Забардаст шерлар.*

*Гоҳида хотиржам тортдим ўзим ҳам,*
*Гоҳида шукрона айтдим беадад.*
*Ўтган кунларимни ўйлай бошласам,*
*Қуйилиб келади бешафқат нафрат.*
*Йўлларимни тўсди юз йиллик кишан —*
*Бугун қўлларимдан*
*узиб ташланган.*

*Истиқлол туҳфамас, у буюк тақдир,*
*Соғинчдан, умиддан яралган шараф.*
*Исмини қалбларга нақшлаб бир-бир,*
*Бахт сари йўл олдик,*
*Биз бормиз ахир.*
*Бўш келманг, биз кучли,*
*Билсин тўрт тараф,*
*Парчалаб ағёрлар тўсиқларини,*
*Айтайлик истиқлол қўшиқларини.*

**Муҳаммад ИСМОИЛ.**



# ЙИГИТЛИК ФАСЛИГА ҚАДАМ

***Юртимиз бўйлаб энг улуғ, энг азиз байрам руҳи, шукуҳи кезиб юрган шу кунларда Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилдик. Эзгулик аркасидан қадам қўйиб бош майдонни зиёрат қилдик. Худди эртаклар оламига кириб қолгандекмиз. Саф тортиб турган арчалар, ям-яшил майсалар, шу майдонга уйғунлашиб кетган Сенатнинг салобатли биноси — ҳамма-ҳаммаси кўнгилда ажиб ғурур уйғотади.***

▼ Дил сўзи

Булар ташқи кўринишлар. Юртдошларимиз қалбидаги янгиланиш туйғусини айтмайсизми?! Одамлар юз-кўзларида шундай кунга етказганидан шукроналик, мамнунлик акс этиб турибди. Қувонмай бўладими?! Бундай кунга биз ўн етти йиллик шонли йўлни босиб эришдик. Бутун умрини ҳуқуқни муҳофаза этувчи соҳага бағишлаган инсон сифатида комил ишонч билан айтаманки, халқимиз ҳеч қачон ҳозиргидек хотиржам, эртанги кунга ишонч кайфиятида бўлмаган. Ўн етти йил — бу бир азамат йигитнинг ёши. Назаримда, гўзал Ватанимизда ҳам ана шундай куч-ғайрат мужассам. Бугун кечагидан, эртага бугунгидан юқори марраларга эришаётган эканмиз, бизга илгари шубҳа билан қараганлар ҳам тан беришга мажбур бўлишяпти.

Мустақиллик байрами кунлари етмиш ёшимни нишонладим. Насиб этса, ҳали Ўзбекистонимиз жаҳон ҳамжамиятида энг ривожланган давлатлар сафидан жой олганини кўрамиз. Ўн етти йил ичида босиб ўтган шаҳдам одимларимиз шундай дейишимизга асос бўлади.

**Тўланбой ДАДАБОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист.**
Гулистон шаҳри

# ИСТИҚЛОЛ НУРИДАН МУНАВВАР ВОҲА

***Халқимиз ўзининг энг улуғ, энг азиз байрами — Истиқлолимизнинг қутлуғ ўн етти йиллигини кенг нишонламоқда. Бу гўзал сана юртдошларимиз қалбига бемисл фахр-ифтихор, сурур бағишлайди. Аждодларимизнинг асрий орзуси ушалган мазкур кун арафасида тарихан қисқа даврда босиб ўтган ўн етти йиллик тараққиёт йўлимизга назар солиб: «Биз ким эдигу ким бўлдик, нималарга эришдик, яна қандай эзгу мақсадларимиз бор?» деган саволларни ўзимизга беришга одатланганмиз.***

Шу ўринда бу саволга мамлакатимиз, вилоятимиз, шаҳримиз ҳаётидаги янгиланишлар, ўзгаришларни айтсак, муносиб жавоб топган бўламиз. Энг аввало, истиқлол очиб берган маънавий ҳаётимиздаги юксалишларни тилга олсак ўринли бўлади. Ўзлигимизни англаш, қадр-қимматимизни тиклаш йўлида амалга оширилган ишлардан, иймон-эътиқодларимизга эҳтиром кўрсатилганидан дилимиз ғурурга тўлади.

Бугун дастурхонимизнинг тўкинлигини таъминлаб турган деҳқону фермерларимиз, тадбиркорларимиз, корхоналарда тер тўкиб ишлаётган ишчилар, маҳобатли бинолар бунёд этаётган қурувчилар, илм-фан, таълим, маданият ва санъат намоёндалари, саломатлик посбонлари, ҳарбийларимизу ҳунармандлар, умуман, барча касбу кор соҳиблари она-юртимизнинг равнақи учун улкан ҳисса қўшаётганлари туфайли юртимиз кундан-кунга юксалиб, обод бўлиб бормоқда.

Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Хоразм воҳасида ҳам шаҳар ва қишлоқларимиз ҳусни жамолига янгича кўркамлик бахш этган янги бинолар, хиёбонлар, иқтисодий-ижтимоий аҳамиятга молик иншоотлар кўплаб бунёд этилди. Урганчдаги Халқаро аэропортдан тортиб то қадимий Хивагача, Амударё кўпригидан тортиб «Гурлан текстил» фабрикасигача бўлган ҳудудларда замонамизга мос янгиланишлар амалга оширилди.

Шу ўринда Амударё устига қурилган, бугун Ўзбекистоннинг юксак тараққиётига қўйилган муҳташам обида, улкан иншоот — темир йўл ва автомобиль кўпригини тилга олайлик. У халқимизнинг қудрати тимсолидай бўй кўрсатиб турибди. Айни кунларда Президентимизнинг ташаббуси билан Урганч-Беруний йўналишида Амударё устида яна бир янги, узунлиги 635 метрлик кўприк қурилиши бошлаб юборилди. Ушбу кўприк қурилиб, ишга туширилгач, кунига 10.000 дан ортиқ автотранспортга хизмат қилади, одамларнинг узоғи янада яқин бўлади. Воҳамизда кун сайин ривожланаётган туризм ва тадбиркорлик соҳаси учун янада кенг йўл очилади.

### ▼ Водийларни яёв кезганда

Вилоятда мустақиллик йилларида «Нуртоп», «Гурлантекстил», «Хазорасптекстил», «Kottontexs», «Боғот текстил» каби ўнлаб саноат корхоналари минглаб тадбиркорлик субъектлари, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этишаяпти.

Юртбошимизнинг ғояси ҳамда қўли гул қурувчиларимизнинг ҳиммати билан гўзал Урганч шаҳрининг Марказий майдони бетакрор ҳусни билан жамол очди. Бу майдон чин маънода истиқлол мўъжизаси бўлди. Айниқса, майдон узра бағрини кенг очиб турган — жаҳон илм-фани ва маданияти хазинасига беқиёс ҳисса қўшган, қомусий илм соҳиби — улуғ бобокалонимиз Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий сиймоси дилларимизни янада нурафшон этади. Ана шундай буюк аждодимиз ҳайкали қошида худди мумтоз санъат асаридек бир-бирига ярашган вақт кафтгири — курант ҳаётимизнинг ҳар лаҳзасининг қадр-қиммати — мана шундай умрбоқий, буюк ишлар билан ўлчанажагидан бонг уриб тургандек. Ундаги гулзорлар ичида бўй чўзиб келаётган ниҳоллар униб-ўсиб келаётган фарзандларимизга қиёс бўлса, юксакларга отилиб турган фавворалар дилимиз поклиги, тилак ва ниятларимиз софлиги, жўшқинлиги, жаннатмакон юртимизда ҳаёт бардавомлигидан нишонадир.

Бу муҳташам майдон мустақиллигимизнинг боқийлигига хизмат қилиб, миллат равнақи, Ватан тараққиёти ва эл фаровонлиги йўлида барчамизни саодатли ишларга йўллаши шубҳасиз.

Таъкидлаш лозимки, давлатимизнинг воҳадаги қурилишларга ажратган маблағи 1999 йилда 5 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, ўтган йилда бу маблағ миқдори 70 миллиард сўмга етди. Бу йил ундан ҳам ортади.

Вилоятимизда аҳоли саломатлигини ҳимоялаш тамойили бугун кундалик фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бирига айланган. Ҳозирда бақувват тиббий инфратузилма вужудга келди. Халқимизга 33 та шифохона, 214 та амбулатория-поликлиника муассасалари, жумладан, 163 та қишлоқ врачлик пунктлари намунали тиббий хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг барчаси қулай ва шинам биноларда жойлашган, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган. Айни кунларда қишлоқларда 4 та янги ҚВП қурилаяпти, вилоят кардиология маркази биноси барпо этилаяпти. ҚВПлар қурилишига 560 миллион сўм, кардиология марказини бунёд этишга 1,5 миллиард сўм маблағ сарфланаяпти.

Шунингдек, мактаб таълимини ривожлантириш дастурига мувофиқ жорий йилда битта янги мактаб қуриб фойдаланишга топширилади, 31 та мактаб капитал реконструкция, 45 таси эса капитал таъмирланади. Бу йил вилоятда 11 та касб-ҳунар коллежи, битта академик лицей қурилиб, фойдаланишга топширилади. Кейинги йилда яна 13 та коллеж янгидан бунёд этилади. Насиб этса, фарзандлар камоли учун сарфлаётган маблағимиз келажакда катта моддий бойлик, беҳисоб маънавий ютуқлар олиб келади.

Айтиб ўтганимиздек, вилоятда туризм соҳасига жиддий эътибор ортиб бормоқда. Сайёҳлар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Воҳада улар учун янги замонавий меҳмонхоналар қурилаяпти. Сайёҳлар учун янги «Хоразм олтин ҳалқаси» сайёҳлик йўналиши очилди, чартер рейслари ташкил этилаяпти.

Воҳада қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, соҳага ислоҳотлар жорий этилиши натижасида вилоятда 18 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили уларнинг фидойи меҳнатлари эвазига 275 минг тоннадан ортиқ пахта, 78 минг тоннадан ортиқ ғалла, ҳар йилгидан кўп мева-сабзавот етиштирилди. Бу йил хирмонларимиз янада сарбаланд бўлади.

Биз юқорида тилга олиб ўтганларимиз Хоразм заминида истиқлол йилларида амалга оширилган улуғвор ишларнинг, эришилган натижаларнинг бир қисми, холос. Аслида меҳнаткаш, заҳматкаш халқимизнинг фаровон турмуши, юртимиз тинчлиги бебаҳо бойлигимиздир. Қолаверса, буларнинг бари Истиқлолимиз шарофатидир.

**Гавҳар ИБОДУЛЛАЕВА,**
**Маънавият тарғибот маркази Хоразм вилоят бўлими раҳбари.**

Айём шукуҳи



***Жиззах шаҳар «Болалар» жамғармаси энг улуғ ва энг азиз байрамимиз олдидан «17 йилликка 17 шодиёна» тадбирлар мажмуини ишлаб чиққанди.***

## «Меҳр қолур дилларда»

Жамғарма тадбир доирасида 29-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар фарзандлари учун Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларига саёҳат уюштирди. Вилоят қишлоқларида яшовчи кам таъминланган оилаларнинг 50 нафар фарзандининг суннат ва мучал тўйларини ўтказиб берди.

— «Меҳр қолур дилларда» деб номланган ушбу тадбир қизиқарли, шод-хуррамлик билан ўтди, — дейди жамғарма раҳбари Дилором Расулова. — Болалар Мустақиллик йиллари шаҳарда барпо этилган иншоотлар билан танишдилар. Ёшлар шаҳарчаси ҳамда «Ўрда» ёшлар экологик боғида сайр қилишди.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Қораўзак туманида мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланган волейбол мусобақаси бўлиб ўтди.***

## Ғолиб — майдон эгалари

Қораўзак, Тахтакўпир, Мўйноқ туманларидан саккизта гуруҳ иштирок этган беллашувда Қораўзак туманининг учта гуруҳи ғолиб, деб топилди. Уларга ҳомийлар томонидан совғалар топширилди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



***Пастдарғом туманидаги 33-мактаб жамоаси янги ўқув йилини янги мактабда қаршилайдиган бўлди.***

## Кўркам, шинам ва қулай

Арабхона қишлоғида мактаб учун қисқа муддатда янги замонавий бино қуриб берилди. Қурилиш-монтаж ишларининг сифатли амалга оширилишида Самарқанддаги «Мебель Азия» қурилиш корхонаси бунёдкорлари ғайрат кўрсатишди.

Туманда янги ўқув йили олдидан 7 та мактаб капитал реконструкция қилинди, 5 таси эса мукаммал таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, болалар спортини ривожлантириш мақсадида 3 та мактабда қўшимча спорт заллари барпо этилди.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ МАРКАЗИ

***Энг улуғ, энг азиз байрам — мамлакатимиз Мустақиллигининг 17 йиллиги муносабати билан жойларда янги иншоотлар, ишлаб чиқариш корхоналари, таълим ва тиббиёт муассасалари фойдаланишга топширилмоқда.***

Тошкент туманида "Тошкент электр тармоқлари" очиқ акциядорлик жамиятининг янги ўқув маркази қурилиб, фойдаланишга топширилди. Айни пайтда ушбу тизимда икки ярим минг нафардан ортиқ малакали мутахассис фаолият олиб боради. Бугунги глобаллашув шароитида кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, соҳа ходимларининг билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, улар орасида ёшларнинг касбий маҳорати, қизиқиш ҳамда интилишларини рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Мустақиллик байрами арафасида ушбу замонавий ўқув марказининг фойдаланишга топширилиши биз, ёшларни ғоят қувонтирди, — дейди туман электр тармоқлари ходими Д. Бурхонхўжаев. — Албатта, бу ғамхўрлик ва эътиборга жавобан ўз куч ҳамда салоҳиятимизни Ватанимиз равнақига сафарбар этишимиз лозим.

— Бу ерда электр тармоқлари тизимида меҳнат қилаётган ва соҳага қизиққан ёшлар таълим олади, — дейди "Тошкент электр тармоқлари" очиқ акциядорлик жамияти раҳбари Ш. Зарипов. — Бир ойда 20-30 нафар тингловчини ўқитиш имконияти мавжуд. Ўқув марказида уларнинг билим ва малакаларини ошириш учун барча қулайликлар яратилди. Жумладан, марказда ўқув хоналари билан бир қаторда техника хавфсизлиги, компьютер хоналари ҳамда лаборатория, кутубхона, ошхона ёшлар ихтиёрига берилади.

**Л. СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**



## Марафон ўтказилди

***Навоий шаҳрида Мустақилликнинг ўн етти йиллигига бағишлаб «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» шиори остида экофестиваль марафони ўтказилди.***

▼ Тадбир

Тадбир давомида табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, экологик хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, халқ саломатлигини сақлаш борасида амалга оширилаётган ютуқларни аҳоли ўртасида тарғиб қилиш, табиий бойликлардан тежаб-тергаб фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Экофестиваль вилоят ҳокимлиги, «Экосан» халқаро ташкилоти, «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан амалга оширилди.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 3 сентябрь, чоршанба куни чиқади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 27380 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.45 Топширилди — 03.15 1 2 3 4 5 6 7